



Зубайда ШАРОПОВА
катта ўқитувчи
Тошкент давлат аграр университети



Марвар АЗИЗОВА
Тошкент давлат аграр университети талабаси

ПСИХОЛИНГВИСТИКА — НУТҚИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ЛИНГВИСТИК ЖИХАТЛАРИ

Мақолада психоллингвистиканинг фан сифатида шаклланиши, унинг мақсад ва вазифалари, методлари ва асосий тамойиллари, шунингдек мулоқот жараёнида инсоннинг рухий кечинмалари ва нутқий фаолияти билан боғлиқлиги хусусида сўз юритилади.

В статье речь идет об образовании психоллингвистики в качестве предмета, о ее целях и задачах, методах и об основных принципах, а также психологических особенностях процесса речи и о взаимосвязи речи с речевой деятельностью человека.

In this article we are talking about education as a subject of psycholinguistics, its aims and objectives, methods, and on the basic principles, as well as the psychological characteristics of the process in question and its relationship to human speech activity.

Калит сўзлар: психоллингвистика, нутқ, тил, мотивация, мулоқот, методология, тамойил.

Ключевые слова: психоллингвистика, речь, язык, мотивация, общение, методология, принцип.

Key words: psycholinguistics, speech, language, motivation, communication, methodology, principle.

Психоллингвистика – инсон нутқий фаолиятининг психологик ва лингвистик жиҳатларини ўрганувчи фан. У тил, нутқ, инсоннинг руҳияти ва дунёқарашини умумлаштиради.

Психоллингвистика термини илк бор 1946 йили Николай Пронко томонидан қўлланилган. Психоллингвистиканинг учта назарий манбаси мавжуд. Улардан биринчиси – тилшуносликнинг психологик йўналишидир. Ўтган аср филологлари тилга халқ маданиятини ўзида акс эттириб, унинг руҳиятини белгилаб берувчи омилдир, дея таъриф беришган.

Тил ўзида нафақат жисмоний, балки психик компонентни ҳам мужассам этиб, инсоннинг мулоқоти ва фаолиятини амалга оширувчи воситадир. Мулоқот шарти сифатида тил дунёни билишни чегаралайди, бошқа инсонни тўлиқ тушуниш имконини чегаралайди. Психоллингвистика тарихида асосий ўрин эгаллаган назариялардан бири Сепир – Уорфнинг лингвистика нисбийлиги назариясидир. Б. Л. Уорф(2, www.twirpx.com) тил ва фикрлашнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этган. Психоллингвистиканинг иккинчи манбаси – америкалик структуралистлар, яъни Н. Хомскийнинг(3, 34) айнан тил орқали фикрларни баён этиш ва тўғри талаффуз қилиш назариясидир. Фаннинг учинчи манбаси – Л.С. Виготскийнинг муайян фаолиятни амалга ошириш учун нутқ зарурияти хусусидаги фикрларидир(4, 126). Психолог олим мазкур фаолият мотивация – фикр – сўз – амалга ошириш орқали намоён бўлишини тушунтириб беради. Бугунги кунда психоллингвистика нутқнинг пайдо бўлиши ва амалга оширилиш механизмларини ўрганиш асосида нутқий хабарларни тавсифлаш, жамиятда нутқий фаолият функцияларини, мулоқот қатнашчилари ўртасидаги боғлиқликни ўрганишдир.

Шахснинг моҳиятан ижтимоий характерга эга. Шахсдаги барча психик хусусиятлар, ижодий фаоллигининг ривожланиш манбалари унинг теварак-атрофидаги ижтимоий муҳитда, жамиятдадир. Инсон шахси сабабий боғлиқликда бўлиб, унинг ижтимоий турмуши билан белгиланади. Мана шу маънода шахснинг тараққиёти одамлар билан муносабатда юзага келадиган ижтимоий тажрибани эгаллаш жараёнидан иборатдир. Бунинг натижасида инсоннинг психик хусусиятлари, ахлоқий фазилатлари, характери, иродавий сифатлари, қизиқишлари, эътиқод ва дунёқараши таркиб топади.

Инсон психик тараққиётининг омиллари ва шароитлари аниқлаб олинган тақдирда ҳам, психикада юзага келадиган ўзгаришларнинг манбалари, психик ривожланишни ҳаракатта келтирувчи кучлар нималардан иборат, деган саволнинг туғилиши, табиийдир.

Инсоннинг психик ривожланишини ҳаракатта келтирувчи кучлар мураккаб ва турли-тумандир. Ривожланишнинг моҳияти қарама-қаршиликлар курашидан, ички зиддиятлар инсоннинг психик ривожланишини бевосита ҳаракатта келтирувчи кучлар, таълим ва тарбия жараёнида юзага келадиган ҳамда бартараф қилинадиган эскилик ва янгилик ўртасидаги қарама-қаршиликлардан иборатдир.

Бундай зиддиятларга, масалан, фаолият томонидан юзага келадиган янги эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари ўртасидаги зиддиятлар; инсоннинг ўсиб бораётган жисмоний ва руҳий имкониятлари билан эса, таркиб топган ўзаро муносабат шакллари ва фаолият турлари ўртасидаги зиддиятлар; жамият, жамоа, катта одамлар томонидан кундан-кунга ортиб бораётган талаблар билан психик тараққиётнинг мазкур даражаси ўртасидаги зиддиятлар киради. Кўрсатилган барча зиддиятлар бирмунча юқори даражадаги психик фаолиятларни таркиб топтириш орқали бартараф қилинади ва инсоннинг нутқий фаолияти, яъни психолингвистика билан чамбарчас боғлиқ бўлади.

Психолингвистика ўз ичига патопсихолингвистикани ҳам оладики, бу— шахс деградациясида нутқий жараёнларнинг бузилиши демакдир. Бунда мия фаолияти бузилиши оқибатида вужудга келадиган нутқий патологияни, сенсор тизимлар дисфункциясини, ақлий ривожланишдан орқада қолиш оқибатидаги нутқ бузилишларини кузатиш мумкин. Психолингвистиканинг яна бир тури амалий психолингвистика бўлиб, мазкур фан бевосита психология, педагогика, тиббиёт, нейропсихология, сиёсий, ҳарбий, космик, муҳандислик, юридик психология, тарғибот ва реклама психологияси билан боғлиқдир. Айнан мазкур предметлар ва уларнинг олдида турган лингвистик характердаги вазифалар психолингвистикани мустақил илмий соҳа сифатида ривожланишига туртки беради.

Психолингвистиканинг объекти нутқ фаолиятининг соҳиби – инсондир. А.А. Леонтьевнинг фикрига кўра(5, 16), “психолингвистиканинг объекти – нутқий ҳодисалар ёки нутқий воқеаларнинг ўзаро ҳамоҳанглигидир. Психолингвистикани тадқиқ этишда бошқа нутқий фанларга оид бўлган усуллардан кенг фойдаланилади. Уларни учта катта гуруҳга бўлиш мумкин: умумий методология; махсус (аниқ-илмий) методология; махсус (аниқ-илмий) тадқиқот методлари. Умумий методология фалсафа бўлиб, психолингвистика фалсафада фикрнинг илмий ҳақиқат томон йўли сифатида баҳоланади. Ҳар бир тадқиқотчи илмий билиш соҳасида у ёки бу фалсафий концепцияни (материалистик, идеалистик, механистик, диалектик, прагматик, позитивистик, сенсуалистик ва ҳоказо) танлайди. Психолингвистикада фалсафий ёндашув, асосан, диалектик фалсафа йўналишида олиб борилади. Аксарият ҳолатларда нутқий фаолият ўзгариб турувчи ички алоқалар билан боғлиқдир.

Махсус методология асосини фан қонуниятлари, унинг назарияси, гипотезалар, илмий концепциялар, аксиома ва тушунчалар, методологик тамойиллар ташкил этади.

Шу ўринда психолингвистиканинг асосий тамойилларини кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Биринчи тамойил нутқий фаолият ва нутқсиз фаолият ўзаро алоқадорлигининг мавжудигидир(1, 10). Мазкур тамойил инсоннинг жамиятдаги фаолияти, маълумоти, касби, шахс сифатида ривож, дунёқараши билан белгиланади. *Иккинчи тамойил* нутқнинг функционал тизим сифатида тан олинишидир. Мазкур тизим турфа ва барқарор бўлмай, аниқ мақсадга эришиш учун лингвистиканинг семантик, синтактик, лексик, морфологик характеристикасини умумлаштиради(1, 11). Ушбу вақтли умумлашмаларнинг характери олиб борилаётган фаолиятнинг ташқи ва ички шартларига боғлиқ. Масалан, баъзи ҳолатларда биз оғзаки, бошқа ҳолатларда эса ёзма нутқдан фойдаланамиз. Шунингдек, турли ҳолатларда кўп ва асосли ёки кам, қисқа, лўнда гапирамиз. Аксарият ҳолатларда ўз фикрларимизни етказиш учун адабий тилдан, шевадан, сленгдан, жаргонлардан фойдаланамиз. Бу эса нутқий фаолият бевосита инсонга, унинг дунёқараши, яшаш жойи, шахс сифатида қай даражада ривожланганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Нутқий фаолиятнинг *учинчи тамойили* бу унинг тўлиқлигидир. Мазкур тамойил ҳам нутқий жараён ва уни тавсифловчи элементлар билан бевосита боғлиқ(1, 11).

Тўртинчи тамойил ўзида нутқ семантикасини акс эттиради. Бу ҳолатда тил белгилари нутқдан ажратиб олинади. Яъни нутқ маъносини белгилаш, шакллантириш, узатишга асосланади(1, 11).

Бешинчи тамойил — нутқ фаолиятининг бевосита шахс билан боғлиқлигидир. Ушбу алоқа турфа ва кўп қиррали бўлиб, бевосита шахснинг ҳам жисмоний ҳам маънавий етуклиги билан боғлиқ. Агарда шахс “олий” даражада бўлса (дунёқараши, интеллектуал даражаси, ижтимоий йўналтирилганлиги) унинг нутқий фаолияти ҳам ушбу даражада бўлади (бу тил билан боғлиқ бўлган жисмоний нуқсони мавжуд инсонлардан ташқари). “Ўрта” даража рухий жараёнлар ва “қуйи” – ҳиссиётлар, темперамент ва бошқалар билан ўзаро боғлиқдир(1, 11).

Олтинчи тамойил – ирсий жиҳатдан ахборотнинг ўтиши. Бу инсоннинг турли ёшида нутқ фаолиятининг шаклланиши ва унинг ривожини билан боғлиқ бўлиб, одам чақалоқлигида турли хил товушлар ёрдамида, болалигида оғзаки, кейинчалик ёзма равишда мулоқотга киришиш имконига эга бўлади(1, 12). Шу билан бирга, ҳар бир инсонга ўтган ирсий ахборот унинг интеллектуал даражаси шаклланишига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Ушбу тамойиллар психолингвистиканинг фан сифатида бугунги кунда ривожланиб келаётганлигини кўрсатиб берувчи асосий белгилардир. Жамиятда унинг аҳамияти юқори бўлиб, мулоқот жараёнининг инсон рухий кечинмалари ва нутқий фаолияти билан боғлиқлиги психолингвистика кўзгусида намоён

бўлади. Шундай экан мазкур фанни чуқурроқ ўрганиш, уни тадқиқ этиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Глухов В., Ковшиков В. Психоллингвистика. Теория речевой деятельности. – М.: АСТ, Астрель, 2007. – 875 с.
2. Мюллер М., Сепир Э., Уорф Б.Л., Витгенштейн Л. и др. Языки как образ мира. Антология\http://www.twirpx.com/file/260420/
3. Хомский Н. Язык и мышление. Перевод с англ. Б.Ю.Городецкого. – М.: Изд. МГУ, 1972. – 122 с.
4. Выготский Л.С. Психология развития человека. — М.: Изд-во Эксмо, 2005. –1136 с.
5. Леонтьев А.А. Психоллингвистические единицы и порождение речевого высказывания. — М.: Наука, 1969 ; переизд. — 2010. – 307 с.